

САМАРҚАНД БЕКЛИГИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ТАРИХИГА ДОИР (XVIII аср иккинчи ярми - XIX аср биринчи ярми)

доц. Г.Нормуродова, З.Ахмедова.

Зарафшон вохасида жойлашган Самарқанд беклиги Бухоро амирлигининг мухим сиёсий, иқтисодий ва маданий марказларидан бири саналган. Бу вилоят ўзининг ажойиб табиати, ҳосилдор ерлари ва гўзал боғ-роғлари билан ажralиб турган. Самарқанд беклиги маъмурий-худудий жиҳатдан туманлардан иборат бўлиб, манбаларда уларнинг сони ва номлари тӯғрисида турлича маълумотлар берилади. Масалан, Абу Тоҳирхўжанинг "Самария" асарида, бекликнинг Шовдор, Анҳор, Суғуди Калон, Офаринкент ва Кобут каби туманлари тилга олинган.¹

XIX асрнинг 1831-1832 йилларда Бухоро амирлигига саёҳат қилган инглиз лейтенанти А.Борнс эса, Самарқанд беклигининг қўйидаги туманлари: Шероз, Суғуд, Офаринкент, Анҳор ва Шовдор туманларини санаб ўтади.² Ушбу маълумотлардан кўринадики, манбаларда туманларнинг номланишида фарқлар бор. Шу ўринда, Самарқанд вилоятининг тарихий-жуғрофий ҳолатини махаллий манбалар асосида ўрганганд рус олими В.Вяткин берган маълумотларни келтириш жоиз булади. Муаллиф, Шовдор, Анҳор, Офаринкент, Кобут, Яр-Яйлок, Суғуди-Калон, Анҳор, Шероз каби туманларни тилга олиб, шулар орасида Шероз ва Яр-Яйлок туманлари ҳақида озроқ маълумот келтиради. Чунончи, Шероз (Амир Темур даврида асос солинган) туманининг қачонга қадар мавжуд бўлганлиги ноаниқ эканлиги, XVIII аср охирида у манбаларда тилга олинган ва мавжуд бўлган бўлса, Яр-яйлок тумани ҳам илгари мавжуд бўлганлиги, кейинрок Санзар ва Усмат каби қишлоқлар ўрнида бўлганлигини қайд этади.³

¹ Абу Тоҳирхожа Самарқандий. Самария. Ахмад Ибн Махмуд Бухорий. Муъин ал-фукаро. Тарихий Муллазода (Бухоро мозорлари зикри). - Т.: Янги аср авлоди, 2009. - Б. 120-121.

² Борис А. Путешествие в Бухару. Часть III. - М., 1850. - С.479-480.

³ Вяткин В.Л. Материалы к исторической географии Самаркандинского вилаета // Справочная книжка Самаркандинской области на 1902 г. - Самарканд, 1903. Вып VII. - С. 14-70.

Самарқанд беклиги амир томонидан тайинланган ҳокимлар ёки беклар томонидан бошқарилган. Бекликни бошқарган ҳоким ўзига беркитилган ҳудуднинг мутлоқ бошлиғи саналиб, у нафакат фуқаролик ҳокимияти, балки, ҳарбий ҳокимиятга хам эга бўлган, солиқларни йиғиш, уруш вақтида қўшин тўплаш вазифаларини ҳам бажарган. Зарафшон водийсида бўлган В.Радлов ўз хотириалирида: вилоятларни бошқарган беклар ўзларини мустақил ҳукмдор санаб, хатто амир сиёсатига қарши ўзаро урушлар олиб борганларини қайд этган.⁴

Беклик маъмуриятида бир қанча хизматчилар: ясовулбоши, юзбоши, мирохур, элликбоши ва ўнбоши сингарилар бўлган. Бекликда аскарлар сони беклик ҳудуди билан боғлик бўлган. Бекликлар кичик маъмурий бирликлар- амлокдорликка бўлинган. Амлокдорликнинг ўзи нафақат маъмурий, балки маъмурий солик бирлиги хам эди. Амлокдорлик бошқарувчиси бўлган маъмурий шахснинг, яъни амлокдорнинг энг мухим вазифаси амлок ерларидаги дехқонлардан солик йиғиб олиш эди. Амлокдорликда хам суғориш ишлари ва тақсимоти назорати билан шуғулланувчи мироб, солик-тўловлар йигим-терими назоратини олиб борган закотчи ва доруғабоши каби амаллар бўлган. Амлокдорликлар бир неча қишлоқлардан иборат даҳаларга бўлинган. Даҳаларни аминлар ёки даҳа-оқсоқоли, қишлоқлар эса қишлоқ оқсоқоли томонидан бошқарилган. Самарқанд шаҳри - бекликнинг асосий сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази хисобланган. Жумладан, сиёсий нуқтаи назардан Самарқанд "хон кўтариш" маросимини ўtkазиш билан боғланган жой саналган, бошқа томондан ички ва ташки савдо, ишлаб чиқариш хамда илм-фан маркази сифатида мухим ахамиятга эга бўлган.

XIX аср ўрталарида Бухоро амирлиги ахолиси сони 2,5 млн.га етган бўлса, Самарқанд беклиги ахолиси тўғрисида аниқ маълумотлар йук. Бу борада мавжуд маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш лозим бўлади. XIX аср 20-йилларида рус элчилиги таркибида келган Е.К. Мейендорф, биргина Самарқанд шаҳрида 50 мингга яқин аҳоли яшаганлигини, бошқа тадқиқотчилар эса 30 мингга яқин киши истиқомат қилишганлигини, қайд этишади. 1868йилда Зарафшон

⁴ Радлов В.В. Из Сибири. - М: Наука, 1989. - С. 572.

округининг факат Самарқанд бўлимида (тоғли туманлардан ташқари) аҳоли 179.522 кишини ташкил этган.⁵ Фикримизча, Россия империяси босқини билан боғлиқ сабабларни қўшиб ҳисобга олганда, XIX аср бошларида Самарқанд вилоятида 150 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилган бўлиши мумкин. Самарқанд вилояти ахолиси турли этник гуруҳлардан иборат бўлиб, яшаш тарзига қура ўтрок, ярим кўчманчи ва кўчманчи ҳаёт тарзини олиб борган.

Бу борада, Самарқанд ахолиси ҳақида Мирзо Олим Маҳдум ҳожининг "Тарихи Туркистон" асарида берилган маълумотлар билан қиёслаб хulosса чиқариш мумкин. Хусусан, асарда қуйидагилар: "... ахолиси икки жинсга мункасим бўлиб, шаҳар ва қишлоқларга сокин (яшаган) бўлиб, саноат (хунармандчилик), тижорат ва зироат (дехкончилик) ила иштиғол қилгувчидир. Улар лисони форсий ила мутакаллим ва суний мазҳабдурлар. Андак миқдорда шиъайи эронийлар хам бордур. Туркман уруғи хам кўп, шимоли-шарқ тарафдаги сахроларда қозоқ, қалмик, қора-қалпок уруғларидин. Шаҳар ва қишлоқларда авоили исломдин буён ерлашиб қалган мужоҳидлар авлодидин хийла араблар ҳам бордур. Яхудилар оз миқдорда булӯб Бухорода ва баъзи касабаларда сокиндур",⁶ деб баён этилади.

Бутун амирликда сингари, беклик ахолиси ҳаётининг ижтимоий-меъёрий тартиботлари бир неча асрлардан бери мустаҳкам қарор топиб келган анъанавий асослар, яъни шариат ва одатларда ўз ифодасини топиб, бўлар ўз навбатида аўолининг диний-ахлокий турмуш тарзи, хўжалик ҳаёти, ишлаб чиқариш муносабатларидан тортиб, юқори буғин бошқарув тизимига қадар амалда бўлган. Маълумки, Ўрта Осиё анъанавий жамиятларининг муҳим хусусиятларидан бири - жамоавийликка асосланганидир. Бекликда ҳам ҳар бир қишлоқ ва гўзал ахолиси ижтимоий келиб чиқиши, касб-хунари, моддий таъминотидан қатъий назар, ўзаро жамоага бирлашиб яшаган. Маҳалладаги ободончилик ишлари, туй-маъракаларни биргалашив ўтказганлар. Шундай бирлашув яна, дин ва одатларга асосланган тартиблар, нормаларга амал қилиб яшашда намоён бўлади. Масалан, маҳалла ва

⁵ Мейендорф Е.К. Путешествие из Оребурга в Бухару. - М., 1975. - С.90, 106; Анке Фон Кюгельген. Легитимация Среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIX вв.). Алматы: Дайк-Пресс, 2004. - С.24; Сайдкулов Т.С. Самарканد во второй половине XIX-начале XX веков. - Самарканд, 1970. - С.9. 24

⁶ Мирзо Олим Маҳдум х,ожи. Тарихи Туркистон. - Т.: Янги аср авлоди, 2009. - Б.191-192.

гузар эркакларининг жамоа бўлиб доимий равища масжидларга бориши, жума жамоат намозида иштирок этиши одатга айланган. Жамоаларни оқсоколлар (оқсокол, элликбоши) бошқарган бўлса, диний-ахлоқий мажбуриятларни бир вақтнинг ўзида ҳукуматнинг қози, раис (мухтасиб) сингари масъул вакиллари назорат қилишган. Катта ёшли оқсоколлар жамоанинг хўжалик, жамоат ва оиласий ишларида бош-қош бўлганлар. Аҳолининг ёшу-қариси уларга сўзсиз бўйсуниб, маслаҳат ва насиҳатларига амал қилган. Бу эса, узоқ асрлардан бери сақланиб келган диний-ахлоқий қарашлар ва қадриятларнинг барқарорлигини таъминлаган.

Қискача хulosha килганда, Самарқанд беклиги Бухоро амирлигининг муҳим сиёсий, иктисадий ва маданий марказларидан бири саналган. Беклик маркази саналган Самарқанд, XVIII аср иккинчи ярми ва XIX аср биринчи ярмида амирликда марказий ҳокимиётни мустаҳкамлаш ва марказлаштириш сиёсатида муҳим рол уйнаган, шунингдек, бу жой ҳукмдорлар учун "хон кўтариш" маросимини утказиша муҳим саналган. Бутун амирлик бўйича Самарқанд беклиги ўзининг қишлоқ хўжалиги, хусусан, деҳқончилик, чорвачилик хамда хунармандчилик, ички ва ташқи савдо соҳаларида юқори салмоқга эга худуд саналган.

Адабиётлар рўйхати.

- 1.Абу Тохирхожа Самарқандий. Самария. Ахмад Ибн Махмуд Бухорий. Муъин ал-фукаро. Тарихий Муллазода (Бухоро мозорлари зикри). - Т.: Янги аср авлоди, 2009.
- 2.Борнс А. Путешествие в Бухару. Часть III. - М., 1850.
- 3.Вятыкин В.Л. Материалы к исторической географии Самаркандского вилаета // Справочная книжка Самаркандской области на 1902 г. - Самарканд, 1903. Вып VII.
- 4.Радлов В.В. Из Сибири. - М: Наука, 1989.
- 5.Мейендорф Е.К. Путешествие из Оребурга в Бухару. - М., 1975. Анке Фон Кюгельген. Легитимация Среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIX вв.). Алматы: Дайк-Пресс, 2004. Сайдкулов Т.С. Самарканд во второй половине XIX-начале XX веков. - Самарканд, 1970.
- 6.Мирзо Олим Махдум хожи. Тарихи Туркистон. - Т.: Янги аср авлоди, 2009.